

Ахборот технологиялари  
 ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги  
 Ҳайъати йиғилишининг  
 2022 йил 19 июлдаги 29-сон баёнига  
 1-илова

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил II ярим йиллик  
ИШ РЕЖАСИ**

T/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
<b>Ia. Вазирликнинг 2022 йил II ярим йилликда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узок истикболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари</b>					
1 (1)	<b>Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 2022 йил дастурида белгиланган топширикларни,</b> жумладан, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ҳамда илм-фан ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш юзасидан тегишли бандларни амалга ошириш чораларини кўриш (3-илова).	II ярим йилликда	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.	Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
2 (2)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги <u>ПФ-6166-сон Фармони</u> ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги <u>ПК-5132-сон қарорида</u> белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.	II ярим йилликда	Чора-тадбирларни амалга ошириш, тегишли қонунчилик хужжатлари ижросини таъминлаб бориш.	Ташкилий назорат бошқармаси (М.Азимов), Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
3 (3)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифлари якуни бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқларини Вазирлик доирасида сўзсиз ва сифатли бажарилишини ташкил этиш (4-илова).	II ярим йиллиқда	Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга ташрифи якуни бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқларини сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминлаш.	Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж.Жафаров), департамент, бошқарма ва бўлимлар, худудий бошқармалар	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
4(4)	Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига ўтказилган йиғилишлар баённомалари, шу жумладан, IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва архив иши соҳаларидаги вазирлик ва идоралар раҳбарларининг хисоботларини эшлиши кун тартибига киритилган йиғилишлар баённомалари топшириқларини ўз вақтида бажариш чораларини янада кучайтириш (5-илова)	II ярим йиллиқда	Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига ўтказилган йиғилишлар баённомалари топшириқларини ўз вақтида бажариш чораларини кўриш.	Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж.Жафаров), департамент, бошқарма ва бўлимлар, худудий бошқармалар	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
5 (5)	Рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукуматни ривожлантириш, давлат хизматларини кўрсатишнинг самараси, сифатини ошириш ва ушбу хизматлардан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш.	II ярим йиллиқда	Тўлиқ рақамлаштириш белгиланган вазирлик ва идораларда давлат хизматларини кўрсатиш ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда уларни янада такомиллаштириш чораларини кўриш; 2022 йилга белгиланган давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш.	Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось

T/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
6 (6)	IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш соҳаларида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон, Германия, Корея ҳамда халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича “Йўл ҳариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш (6-илова).	II ярим йиллиқда	Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш ҳамда халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича “Йўл ҳариталари”да назарда тутилган тадбирларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш.	Халқаро алоқалар бўлими (У.Мусаева), Ташқи иқтисодий алоқалар бўлими (А.Акрамов), бошқарма ва бўлимлар	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
7 (7)	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 30 июндаги Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жумладан, IT технологиялари йўналишида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг ахборот технологияларини ўрганиш жараёнларини кўллаб-куватлаш ва рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий қилиш (7 -илова).	II ярим йиллиқда	IT технологиялари йўналишида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Вазирлик тизимида олий таълим муассасалари ҳамда IT-паркда ташкил қилинган ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш ўқув курсларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлаш	Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўлими (Х.Ўринов), Тошкент ахборот технологиялари университети (Б. Маҳкамов), Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (М.Джалалов), Тошкент шаҳридаги Амити университети (Б.Абдуллаев), “IT-Park” МЧЖ (Ф.Ибрагимов)	Вазир ўринbosари Ж.Эгамбердиев

**I6. Вазирликнинг 2022 йил II ярим йиллиқда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича таклифлари**

**Телекоммуникация инфратузилмаси ва почта алоқаси хизматларини ривожлантириш соҳасида**

<b>Т/р</b>	<b>Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Вазирлик бўйича масъуллар</b>	<b>Назорат</b>
8 (1)	“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш хуқуқини бериш учун рухсатнома олиш юзасидан давлат хизматини кўрсатиш маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	август	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	Лицензиялаш ва лицензия шартномалари ижросини таҳлил қилиш бўлими (С.Абдуллаева), Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев)	Вазир ўринбосари Д.Рустамов
9 (2)	“Маҳалладан туриб барча давлат органларига муружаат килиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқот килиш тизимини яратиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	август	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось
10 (4)	“Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини бошқариш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “ЎзТТБРМ” ДУК (У. Шакиров)	Вазир ўринбосари Ж.Махсудов
11 (5)	Ўзбекистон Республикаси “Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Ўнинчи қўшимча баённомани (Аддис-Абеба. 2018 йил 7 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини тайёрлаш (Умумжаҳон почта иттифоқининг актларини тасдиқлаш).	ноябрь	Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳасини тайёрлаш	Почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими (М.Матъякубов), “Ўзбекистон почтаси” АЖ (А.Файзулаев)	Вазир ўринбосари Ж.Эгамбердиев

<b>Т/р</b>	<b>Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Вазирлик бўйича масъуллар</b>	<b>Назорат</b>
<b>ІТ-технологияларни ривожлантириш соҳасида</b>					
12 (6)	Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси юзасидан Олий Мажлис Сенати билан ишлаш.	июль	Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси юзасидан Олий Мажлис Сенати билан зарурӣ ишларни амалга ошириш.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов), Почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими (М.Матъякубов), “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” ДМ (В.Кравченко), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов) “Ўзбекистон почтаси” АЖ (А.Файзуллаев)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
13 (7)	Иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини рақамлаштириш юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.	июль	Норматив-хуқуқий лойиҳасини тайёрлаш ҳужжат	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
14 (8)	“Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.	июль	Норматив-хуқуқий лойиҳасини тайёрлаш ҳужжат	Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось

<b>Т/р</b>	<b>Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Вазирлик бўйича масъуллар</b>	<b>Назорат</b>
15 (9)	Бухоро вилояти Қоракўл туманида рақамли технологияларга ихтисослаштирилган алоҳида замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот технологиялари соҳасида таълимдан ишлаб чиқаришгача бўлган яхлит занжир яратишни кўзда тутувчи IT-Кластер фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш	август	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш	Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўлими (Х.Ўринов), Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж. Жафаров), Тошкент шахридаги Амити университети (Б. Абдуллаев), “IT-Park” МЧЖ (Ф. Ибрагимов)	Вазир ўринbosари Ж.Эгамбердиев
16 (10)	Ахборот технологиялари соҳасида алоҳида ютуқларга эришган иқтидорли қизларни “Зулфия” номидаги давлат мукофоти талабгорлари рўйхатига киритишни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш.	октябрь	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг бошланғич ташкилоти раиси (У.Мусаева), Гендер тенглик бўйича комиссия (Г.Курбанова), Кадрлар бўлими (М.Чўллиева)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
17 (11)	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Беш муҳим ташаббуснинг учинчи ташаббуси бўйича “Киберспорт” йўналишини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тайёрлаш.	ноябрь	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
18 (12)	Мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши муддати ва сифати устидан “рақамли	декабрь	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш	Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси	Вазирнинг биринчи

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
	назорат” ўрнатиш юзасидан норматив-хуқукий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.			(А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	ўринбосари О.Пекось

#### **Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида**

19 (13)	“Тўлов тизими операторлари. Кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизлик соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини тайёрлаш.	июль	Ўзбекистон Республикасининг Конуни лойиҳасини тайёрлашда Марказий банк сўрови асосида кўмаклашиш	Ахброт хавфсизлигини таъминлаш бўлими (А.Исмаилов)	Вазир ўринбосари Д.Рустамов
20 (14)	Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айrim норматив-хуқукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” қарори лойиҳасини тайёрлаш.	август	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрлашда Давлат персоналлаштириш маркази сўрови асосида кўмаклашиш.	Ахброт хавфсизлигини таъминлаш бўлими (А.Исмаилов)	Вазир ўринбосари Д.Рустамов

#### **II. Вазирликнинг 2022 йил II ярим йиллика белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги таҳлиллари**

#### **Телекоммуникация инфратузилмаси ва почта алоқаси хизматларини ривожлантириш соҳасида**

21 (1)	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 ноябрдаги 699-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	июль	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов)	Вазир ўринбосари Ж.Махсудов
22 (2)	Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг тадбирлари ўтказиладиган “Самарқанд туристик маркази” худудидаги биноларнинг ички қисмини кенг полосали телекоммуникация хизматлари қамрови ҳолатини таҳлил қилиш.	август	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “Ўзбектелеком” АК	Вазир ўринбосари Ж.Махсудов

<b>Т/р</b>	<b>Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Вазирлик бўйича масъуллар</b>	<b>Назорат</b>
				(Н.Хасанов)	
23 (4)	Республикада почта алоқасининг жорий ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини, шунингдек, ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш.	октябрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими (М.Матъякубов), “Ўзбекистон почтаси” АЖ (А.Файзуллаев)	Вазир ўринбосари Ж.Эгамбердиев
24 (6)	Ижтимоий соҳа (мактабгача таълим ва ҳалқ таълими муассасалари, соғлиқни сақлаш соҳаси) обьектлари, маҳалла идоралари, архив бўлинмаларида, туристик ва рекреацион худудларда телекоммуникация инфратузилмасини, интернет тармоғига симсиз уланиш тармоқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш.	декабрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов)	Вазир ўринбосари Ж.Махсудов
<b>IT-технологияларни ривожлантириш соҳасида</b>					
25 (7)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони ижросини таҳлил қилиш.	июль-ноябрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.	Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров)	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось
26 (8)	Вазирлар Маҳкамасининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	октябрь-ноябрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази”	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
27 (9)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарори ижросини таҳлил қилиш.	декабрь	Қарор ижроси юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
<b>Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида</b>					
28 (10)	“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларининг давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши ҳолатини таҳлил қилиш.	октябрь	ДПМ сўровига биноан таҳлилий маълумотларни тайёрлашда иштирок этиш.	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими (А.Исмаилов)	Вазир ўринbosари Д.Рустамов
<b>III. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини мақсадли ўрганиш ва натижасини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида кўриб чикиш</b>					
29 (1)	“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни талабларига мувофиқ республикада рақамли инфратузилмани жадал ривожлантириш, шахар ва қишлоқ худудлари ўртасидаги “рақамли тафовут”ни бартараф этиш хамда тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбариятининг хисоботи тўғрисида.	19 сентябрь	Амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш.	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов)	Вазир ўринbosари Ж.Махсудов
30 (3)	“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни талаблари бўйича давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида.	14 ноябрь	Амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш.	Электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон ҳукумат лойихаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
<b>IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Хукумат қарорлари ижросини мақсадли ўрганиш</b>					
<b>Телекоммуникация инфратузилмаси ва почта алоқаси хизматларини ривожлантириш соҳасида</b>					
31 (2)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш.	сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган мақсадли ўрганишда иштирок этиш.	Почта алоқаси хизматлари ва логистикасини ривожлантириш бўлими (М.Матъякубов), “Ўзбекистон почтаси” АЖ (А.Файзуллаев)	Вазир ўринbosари Ж.Эгамбердиев
32 (3)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган йўл хариталарининг инфратузилма ҳолатини мақсадли ўрганиш.	август	Мақсадли ўрганишни ташкил этиш ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган йўл хариталарининг инфратузилма ҳолатини мақсадли ўрганишида иштирок этиш.	Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров), “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
33 (4)	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш.	октябрь	Мақсадли ўрганишни ташкил этиш ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган Вазирлар Маҳкамаси қарори ижросини мақсадли ўрганишда иштирок этиш.	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), “ЎзТТБРМ” ДУК (У.Шакиров)	Вазир ўринbosарлари Ж.Махсудов, Ж.Эгамбердиев
<b>IT-технологияларни ривожлантириш соҳасида</b>					
34 (6)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони ижросини мақсадли ўрганиш.	июль, сентябрь	Мақсадли ўрганишни ташкил этиш ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган мақсадли ўрганишда иштирок этиш.	Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось

<b>Т/р</b>	<b>Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси. Банд номи.</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Вазирлик бўйича масъуллар</b>	<b>Назорат</b>
35 (7)	Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида ёш мутахассисларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 августдаги 556-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш.	октябрь	Қарор ижроси юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўлими (Х.Ўринов), Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси (Г.Курбанова), “IT-Park” МЧЖ (Ф. Ибрагимов)	Вазир ўринbosари Ж.Эгамбердиев
36 (8)	“Рақамили Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини таҳлил қилиш.	декабрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш.	Рақамили иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов), Ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ж.Жафаров)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
<b>Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида</b>					
37 (9)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги ПФ–6007-сон Фармони ҳамда ПҚ–4751-сон қарорининг давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши ҳолатини ўрганиш.	ноябрь	Тегишли ташкилот ва идоралар томонидан ташкил этиладиган ўрганишларда иштирок этиш.	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими (А.Исмаилов), “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазир ўринbosари Д.Рустамов



Ахборот технологиялари  
 ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги  
 Ҳайъати йигилишининг  
 2022 йил 19 июлдаги 29-сон баёнига  
 2-илова

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг  
 2022 йил II ярим йилликда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг  
 энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириши бўйича  
 ХИСОБОТЛАРИ РЕЖАСИ**

T/p	Иқтисодий ва ижтимоий дастурларнинг 2022 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари ва вазифалари	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
<b>Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳузурида</b>					
(1)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан белгилangan лойиҳалар ижроси юзасидан Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг масъулияти тўғрисида.	12 октябрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Рақамли стратегик ривожлантириш бошқармаси (Ж.Шукуров), бошқарма ва бўлимлар	Вазирниң биринчи ўринbosари О.Пекось
(3)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ–4996-сон қарори билан белгилangan вазифалар ижроси тўғрисида.	10 ноябрь	Таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти (А.Савурбаев)	Вазирниң биринчи ўринbosари О.Пекось

Ахборот технологиялари  
 ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги  
 Ҳайъати йигилишининг  
 2022 йил 19 июлдаги 29-сон баёнига  
 3-илова

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўйича**  
**Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 2022 йилги**  
**Давлат дастуридаги 2022 йил II ярим йилликда бажарилиши лозим бўлган назорат бандлари рўйхати**

Т/п	Давлат дастури назорат бандлари номи	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
1 (1)	<b>101-банд.</b> Иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жаравёнларини рақамлаштириш.	июль	Норматив-хуқуқий хужжат лойихаси ишлаб чиқиш.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
2 (2)	<b>2-банд.</b> Маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат килиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизимини яратиш.	сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойихасини тайёрлаш.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
3 (4)	<b>13.1-банд.</b> Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш.	октябрь	Амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
4 (5)	<b>13.2-банд.</b> Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш.	октябрь	Норматив-хуқуқий хужжат лойихасини ишлаб чиқиш.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось
5 (6)	<b>31-банд.</b> Электрон давлат хизматларининг улушини ошириш.	октябрь	Норматив-хуқуқий хужжат лойихасини ишлаб чиқиш.	Электрон хукуматни ривожлантириш	Вазирнинг биринчи

Т/п	Давлат дастури назорат бандлари номи	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
				бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	ўринбосари О.Пекось
6 (7)	<b>32-банд.</b> “Рақамли идора” лойиҳаси доирасида давлат органларида аҳоли билан ҳужжат алмашиш ва иш юритишнинг 90 фоиздан ортигини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш.	октябрь	Амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось
7 (10)	<b>26-банд.</b> “Электрон парламент” лойиҳаси доирасида депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни худудлардаги фуқаролар билан бевосита мулоқотини йўлга кўйиш, аҳоли билан очнқ мулоқотни амалга ошириш учун рақамли платформа яратиш.	декабрь	Ташкилий хуқуқий чораларни амалга ошириш.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось
8 (11)	<b>39-банд.</b> Давлат органлари ва ташкилотларига келиб тушган мурожаатларнинг Мурожаатлар билан ишлаш ягона онлайн платформасида юритилишини таъминлаш.	декабрь	Амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими (Д.Пулатов)	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось
9 (12)	<b>40-банд.</b> Мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши муддати ва сифати устидан “рақамли назорат” ўрнатиш.	декабрь	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши.	Электрон хукуматни ривожлантириш бошқармаси (А.Мансуров), “Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ (А.Мухитдинов)	Вазирнинг биринчи ўринбосари О.Пекось

Т/р	Давлат дастури назорат бандлари номи	Ижро муддати	Амалга ошириш механизми	Вазирлик бўйича масъуллар	Назорат
10 (13)	<b>100-банд.</b> Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий обьектларини, магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш(7 та қўйи бандлари бўйича).	декабрь	Амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси (М.Юлдашев), “Ўзбектелеком” АК (Н.Хасанов)	Вазир ўринbosари Ж.Махсудов
11 (14)	<b>328.1-банд.</b> Фуқароларнинг шахсий маълумотларини химоялаш мақсадида замонавий коммуникацион дастурлар ҳамда миллий ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар яратиш.	декабрь	Амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси (Э.Расулов), “UNICON.UZ” ДУК (М. Махмудов)	Вазирнинг биринчи ўринbosари О.Пекось

Ахборот технологиялари  
 ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги  
 Ҳайъати йифилишининг  
 2022 йил 19 июлдаги 29-сон баёнига  
 4-илова

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўйича**  
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-2021 йилларда республика ҳудудларига ташрифлари якунлари юзасидан**  
